



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI QUMQO'RG'ON TUMANI HOKIMINING
QARORI

Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shoh ko'chasi 1-uy. 190900, tel.: (+99876) 46-52-511, qumhok@exat.uz

20_21yil “ 18__ феврал _____ К-235 -son

Qumqo'rg'on t.

**Вилоят ҳокимининг “Ўзбекистон учун
100 ғоя” лойиҳасини амалиётга татбиқ
этиш тўғрисида”ги 2021 йил
16 февралдаги Қ-91-сонли қарори
ижросини таъминлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 январь куни бўлиб ўтган “Ёшларнинг бандлигини таъминлаш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5-сонли (Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2021 йил 2 февралдаги 02-РА1-2272-сон) йигилиш баёнининг 54-банди ижросини таъминлаш бўйича “Ўзбекистон учун 100 ғоя” лойиҳасини туманда амалга ошириш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят ҳокимининг “Ўзбекистон учун 100 ғоя” лойиҳасини амалиётга татбиқ этиш тўғрисида”ги 2021 йил 16 февралдаги Қ-91-сонли қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Туманимизда иқтисодиёт, таълим, спорт, соғлиқни сақлаш, ахборот технологиялари каби соҳаларда янги инновацион гояларни ишлаб чиқиша қодир бўлган иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларнинг ташабbus ва интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича туман ишчи гуруҳи иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман ҳокимининг ўринбосари Н.Алланазаров, Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими (А.Холтўраев), халқ таълими бўлими (Н.Исматов), тиббиёт бирлашмаси (У.Мусаев), алоқа бўлими (А.Дониёров), инвестициялар ва ташқи савдо бўлими (А.Маматмуродов)га:

Инновацион гоя ва технологияларни ривожлантириш ва уларни амалиётга татбиқ этишга муносаб ҳисса қўшган ёш олимлар ва талабалар ҳамда ташабbusкор фуқароларнинг инновацион фаолиятини рағбатлантириш юзасидан уларнинг лойиҳаларини амалиётга татбиқ этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш;

“Ўзбекистон учун 100 фоя” лойиҳасининг 2021 йил учун энг яхши илмий лойиҳалар ва илмий-технологик ишланмалар рўйҳатини шакллантириш; Тумандаги эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда шакллантирилган илмий тадқиқотларга буюртмаларни умумлаштириш ҳамда улар асосида энг яхши илмий лойиҳаларни танлов натижаларига кўра саралаб олиш ва илмий-технологик ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш;

Вилоятдаги олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотларнинг олимлари билан мунтазам учрашувлар ўтказиш вазифаси топширилсин.

4. “Кумкўрғон садоси” газетаси бош муҳаррири (Р.Менгзияева)га мазкур қарорнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида тушунтириш, амалга оширилган ишларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари Н.Алланазаров ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими бошлиғи А.Холтўраев зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Р.Гаппаров





Туман ҳокимининг
2023 йил “18” февралдаги
сонли қарорига
илова

**Туманимизда иқтисодиёт, таълим, спорт, соғлиқни сақлаш, ахборот
технологиялари каби соҳаларда янги инновацион ғояларни ишлаб
чиқишига қодир бўлган иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларнинг
ташаббус ва интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича
туман ишчи гуруҳи
ТАРКИБИ**

- | | |
|-------------------|---|
| 1. Н.Алланазаров | - Туман ҳокимининг ўринbosари, ишчи гуруҳи раиси |
| 2. А.Холтўраев | - Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими бошлиғи, ишчи гуруҳи раиси ўринbosари |
| 3. У.Мусаев | - Туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи в.б |
| 4. А.Дониёров | - Туман алоқа бўлими бошлиғи |
| 5. Н.Исматов | - Туман халқ таълими бўлими мудири |
| 6. А.Маматмуродов | - Туман инвестициялар ва ташқи савдо бўлими бошлиғи |